



Кадимги халкларнинг турли томонлама ривожланишида савдо ва транзит йўлларнинг ахамияти нихоятда каттадир. Мил. авв. III минг йилликка келиб, Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудлари кадимги аҳоли томонидан ўзлаштириб бўлинган эди. Чўл ва дашт ҳудудлардаги кўчманчи чорвадор аҳоли вохалардаги ўтрок аҳоли билан ўзаро алоқаларни бронза даврига келиб янада ривожлантирадilar. Тарихий адабиётлардан маълум бўлишича, Буюк ипак йўли ташкил топмасдан анча илгариёқ Кадимги Шарк ва Ўрта Осиё ҳудудларида ўзаро алмашинув йўллари мавжуд эди.

Бронза давридаги (мил. авв. III—II минг йилликлар) ана шундай йўллардан бири «Ложувард йўли» деб аталиб, унинг бир тармоги Бадахшон, Бактрия ва Маргиёна ҳудудларини Хоразм, Сўгд, Марказий Козогистон ва Урал билан боғлаган. Яна бир тармоги эса, Бактрия ва Маргиёнани Месопотамия билан боғлаган. Бу йўл Помир тоғларидан бошланиб, Эрон, Олд Осиё, Миср оркали ўтган. Бадахшон Ложувардининг Хинд водийси, Месопотамия ва Мисрдан топилиши бу кимматбаҳо тошнинг Кадимги Шаркда нихоятда кадрланганлигидан далолат беради.

Кадимги йўллардан яна бири, Эрон ахмонийларининг йўли бўлиб, бу йўлнинг бир тармоги мил. авв. VI—IV асрларда кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоги Эрон-Бактрия оркали Сўгдиёна, Тошкент воҳаси ва Козогистон ҳудудларидан ўтиб Олтойгача борган. Тарихий адабиётларда бу йўл «шоҳ йўли» деб аталади.

Мил. авв. 138 йилда Хитой императори У-Ди Чжан Цянни Ўрта Осиё ерларига жўнатади. Элчи Чжан Цян (мил. авв. 138-126 йилларда) Хитойнинг хуннларга қарши кураши учун иттифокчи излаб келган эди. Мил. авв. II-I асрларга келиб, Чжан Цян юрган йўлларда Хитойни Ўрта ва ўрбий Осиё билан боғлайиган қарвон йўли пайдо бўлади. Бу йўл Буюк ипак йўли деб аталиб, умумий узунлиги 12 000 км дан иборат эди. Илк ўрта асрларга келиб, Ипак йўлининг янада ривожланганлигини кузатиш мумкин. Ўз даврида нихоятда катта ахамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоги Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шаркий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия оркали Ўрта Ер денгизигача чўзилган.

Буюк ипак йўлининг тармоклари

Хитойнинг Аноси шаҳрига келиб, Ипак йўли бир неча тармоқларга бўлиниб кетган. Хусусан бир тармок Аноси-Хами-Кошгар оркали Кўконга, ундан эса Тошкентга ўтган. Бу ердан Жиззах ва Самарканд оркали Бухорога келган йўл Урганч оркали Гурьевга, у ердан Оксарой оркали Кора денгиз бўйларига чиқкан. Яна бир тармок эса Дунхуан

оркали Хўтанга, ундан Лохурга ўтиб кетган.

Ундан ташкари Бухорога келиб, бу тармок иккига бўлинган. Жанубий йўналиш Бу-хоро-Карши-Термиз оркали Нишопурга ўтган ва Хирот оркали Хиндистонга ўтиб кетган. Нишопурдаги тармоклардан бири Техрон-Казвин-Хамадон-Богдод-Палмира йўналиши бўйлаб Ўрта Ер денгизи бўйидаги Тир шахригача чўзилган. Умуман олганда Ипак йўлининг жанубий тармоги Ўзган оркали Ўшга ўтиб, Кува — Маргилон-Кўкон оркали Хўжанд, Самарканд, Бухорога ўтган. Шимолий йўналиши эса, Хазар хоконлиги ва Булгор давлати оркали Киев Руси ва Европа мамлакатларига бориб, бу тармок VI асрдан бошлаб ривожлана бошлаган. Ипак йўлининг асосий карвон йўлларида ташкари ички савдо йўллари ҳам мавжуд эди.



Буюк ипак йўлининг ахамияти

Ўрта Осиё ҳудудларида антик даврдан бошлаб, ривожланиш жараёнлари Буюк ипак йўли билан узвий боглиқдир. Хусусан, мил. авв. II асрдан бошлаб Хитой ва Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари билан савдо ва маданий алоқалар ривожланиб борди. Фаргона, Сўғд ва Бактрияга ипакчилик кириб келди. Карвон йўли ривожланиб борган сари савдо-сотик ва маданий алоқалар ривожланиб борди. Кушонлар ва эфталитлар даврига келиб (I-VI асрлар), Ўрта Осиё оркали ўтувчи Ипак йўли тармоклари назоратини маҳаллий сўғдий аҳоли кўлга оладилар. Кўшни давлатлар ҳам Ипак йўлидан манфаатдор бўлганлиги сабабли илк ўрта асрларда Эрон ва Византия ҳукмдорлари сўғдийлар билан конли курашлар олиб бордилар.

Милоднинг бошларида қадимги дунёнинг илгор маданиятли давлатлари асосан тўрттага: Рим, Парфия, Хитой ва Кушон давлатларига бўлинар эди. ўарбда Британ оролларида шарқда Тинч океани сохилларигача чўзилган бу забардаст салтанатлар инсоният тарихида биринчи бўлиб «Буюк ипак йўли» деб номланувчи йўл билан богландилар. Ипак йўли ривожланиб борган сари подшоҳларнинг ўзаро элчилар юборишлари, бир-бирларига ҳар хил совғалар инъом этишлари анъанага айланди. Савдо-сотик мисли кўрилмаган даражада ривожланиб борди. Шунингдек, Шарк билан ўарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучайди. Давлатлар ривожланишидаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келди.

Буюк ипак йўли бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Бу йўлдан

бораётган савдогарлар кўпинча йўлнинг охиригача бормас эдилар. Ўрта Осиё вилоятлари бу йўлнинг ўртасида жойлашганлиги сабабли савдогарлар Хоразм, Самарканд, Термиз ва бошқа ҳудудларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қилар эдилар. Ўрта асрлар Ўрта Осиё бозорларида четдан келтирилган кўплаб маҳсулотлар мавжуд эдики, ҳозирги кунда ипак йўли устидаги қўхна шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги археологик казишмалар натижасида топилаётган топилмалар фикримизнинг далилидир.

Мил. авв. II асрда пайдо бўлиб, милоднинг XVI асрига қадар фаолият кўрсатган Буюк ипак йўли шу давр ичида Шарк ва ўарб халқларининг кенг микёсидаги ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўл орқали алоқалар қилган қадимги халқларнинг ўзаро ҳамкорлик, алмашинув ва маданиятла-рининг бойиб бориши, тинчлик ва тараккиёт учун асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон ҳудудлари бу йўлнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, ҳунармандлар, олимлар ва меъморлар ташриф буюрган-лар.

ЮНЕСКО томонидан «Буюк ипак йўли-мулоқот йўли» дастурининг ишлаб чиқилиши Евросиёдаги 30 дан ортиқ етакчи давлатларнинг 2000 йилга қадар илмий-маданий фаолияти учун йўналиш бўлди. Республикамиз ҳудудларида ҳам илмий экспедициялар ташкил этилди. Бунинг натижасида кўпгина тарихий-маданий обидалар ўрганилди, қадимги йўллар ва йўналишлар аниқланди, миллий ва маънавий бойлигимиз ҳамда анъаналаримиз ўрганилди. Жуда кўпчилик тадқиқотчилар иштирок этаётган «Буюк ипак йўли-мулоқот йўли» дастурининг асосий вазифаси Шарк ва ўарб халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатган ҳамда ривожлантирган бу йўлни халқларнинг биродарлик, ўзаро ҳамкорлик ва самимий мулоқот йўлига айлантиришдан иборатдир.